# 154/М4-СОНЛИ ҲИСОБ ШАРТНОМАСИ

**Тошкент ш.** «21» Январь 2022 й.

Бундан буён матнда «**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**» деб аталувчи «**ABK-MEDICAL» МЧЖ** номидан низом асосида ҳаракат қилувчи Тижорат бўйича директори Жалолов.Б.М. бир томондан ҳамда бундан буён матнда «**ХАРИДОР**» деб аталувчи Бух. в. Онкология маркази номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи Саидов Б.Н. иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

**1.1** Етказиб берувчи Маҳсулотни (кейинги ўринларда "Маҳсулот" деб юритилади) тайёрлаб, етказиб бериш мажбуриятини олади, Харидор эса мазкур шартнома шартларига мувофиқ Маҳсулот ассортименти ва баҳосига биноан Маҳсулотни қабул қилиб олиб ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

## 1.2 ТАФСИЛОТЛИ РЎЙХАТ

| № | Маҳсулот (иш, хизмат) номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Етказиб бериш қиймати | ҚҚС | | ҚҚС қўшилган етказиб бериш қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Миқдори | Баҳоси | |
| 1 | DC-1 0,5л (пому) | | | | | | | |
| | (Дез восита) | шт | 10 | 144800 | 1448000 | = | | 1448000 |
| 2 | Антисептик оп 0,5л | | | | | | | |
| | (марка Б)(Дез- | | | | | | | |
| | восита) | шт | 20 | 21740 | 434800 | 15% | 65220 | 500020 |
| 3 | АБК-хлорактив | | | | | | | |
| | 1кг (таб) (Дез- | | | | | | | |
| | восита) | шт | 30 | 63500 | 1905000 | 15% | 285750 | 2190750 |
| | | | | | | | | |
| | **Жами:** | | | | | | | 4139770 |

**1.3** Маҳсулот сифати Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлари ёки бошқа меъёрий ҳужжатларига жавоб бериши шарт.

## 2. ШАРТНОМА УМУМИЙ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**2.1 Мазкур шартноманинг ҚҚС қўшилган умумий баҳоси** 4139770 (тўрт миллион бир юз ўттиз тўққиз минг етти юз етмиш) **сўмни ташкил этади.**

**2.2** Мазкур шартнома бўйича етказиб берилаётган маҳсулот учун тўлов шартнома имзолагандан 10 банк куни мобайнида ёки тўлов ҳисобини тақдим қилиш пайтидан 5 банк куни мобайнида шартнома баҳосининг олдиндан **30%**ни, қолган **70%**ни эса ҳисоб-фактура олгандан сўнг 15 календар кун мобайнида Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ

**3.1** Мазкур шартнома бўйича маҳсулот етказиб берилиши Етказиб берувчи ҳисоб рақамига пул тушгандан сўнг 10 банк куни мобайнида амалга оширилади.

**3.2** Етказиб бериш шартлари – Харидор ўзининг кучи ва ҳисобидан Маҳсулотни Етказиб берувчининг омборидан олиб кетади.

**3.3** Маҳсулотни қабул қилиш вақтида Харидор Етказиб берувчининг иштирокида маҳсулот бутлиги ва сифатини текшириши шарт, бундан кейин маҳсулот бутлиги учун жавобгарлик Харидорга ўтади.

## 4. ЖАРИМАВИЙ САНКЦИЯЛАР

**4.1** Мазкур шартноманинг 2.2. бандида назарда тутилган тўлов муддатларни бузганлик учун Харидор Етказиб берувчига тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 фоизи миқдорида, лекин шартнома баҳосининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

**4.2** Етказиб берувчи етказиб бериш муддатларни бузганлик учун Харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 фоизи миқдорида, лекин ушбу маҳсулот баҳосининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

**4.3** Мазкур шартнома тарафлари ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар ўзаро музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда улар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**4.4** Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалаларда тарафлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ иш тутадилар.

## 5. ФОРС-МАЖОР

**5.1** Тарафлар енгиб бўлмас куч (табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳукумат тақиқловчи қарорлари) оқибатида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этилади.

## 6. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

**6.1** Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш, қўшимча ва иловалар улар ёзма равишда тузилган, шартнома тарафлари томонидан имзоланган ва муҳрланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

**6.2** Етказиб берувчи Харидор реализация жараёнида ёки қабул қилинган маҳсулотдан учинчи шахс фойдаланганлиги натижасида Савдо ва молиявий (тўлов, ҳисоб-китоб, бухгалтерия ва х.қ) қоидаларни бузганлиги учун жавобгар бўлмайди.

**6.3** Ушбу шартнома ___2___ нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

**6.4** Мазкур шартнома имзоланган пайтдан ва **Ўзбекистон Республикаси Ғазначилик Ҳудудий Бошқармаси**да рўйхатдан ўтгандан бошлаб кучга киради ва 20_22_йил "_31_" ___12___гача амал қилади.

## 7. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**Етказиб берувчи**

**«ABK-MEDICAL» МЧЖ**
**Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани,**
**Феруза мавзеси, 7 уй, 30 хонадон.**
**Тел: (71) 260-43-60, Факс: (71) 260-43-57**
**х/р: 20208000300847927001**
**АТИБ "Ипотека банк" ТШБ ОБ, Тошкент ш.**
**МФО: 00419**
**СТИР: 305341119**
**ОКЭД: 20200**

**Тижорат директори** ______________________

Горячая линия по вопросам сервиса и качества продукции. (71) 260-43-57 (71) 205-81-00

**Харидор**

РИО ва ДИНТИ Бухоро фил.
Бухоро ш. Гиждувон 71
Тел: 228-58-50
ИНН: 201511924
х/р: 10002186000840170732010540008
00014
... банки
... шаҳри

Саидов Ғ.И. ______________________

**Юридик хулоса**

Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Конуннинг 21 моддасига биноан 200 минимал маош миқдордаги олди-сотди шартномага асосан ҳуқуқий текширув ўтказилиб натижада қуйидагилар аниқланди:

1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг хўжалик шартномасига нисбатан қўйиладиган 10, 24 – 34 моддалари талабларига жавоб беради.
2. Шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 386 – 424 моддалар билан тартибга солинади.
3. Ҳисоб-китоб тартиби (олдиндан тўлов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги Фармонига мувофиқдир.
4. Тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси жорий қонунчилик талабларига мос келади.

**Юридик маслаҳатчи**______________________ **Юридик маслаҳатчи** ______________________